(1845-йил – Хива – 1910-йил)
(1864-1910)

Хива хони; шоир ва бастакор. Кўнгиротлар сулоласидан. Хива шахридаги Араб Мухаммадхон мадрасасида тахсил кўрган, давлат, хукук илмини замонасининг машхур мударриси, шоир ва олим Доий, Юсуфхўжа охун ва бошкалардан ўрганган. Огахий Мухаммад Рахимхон ИИ - Ферузга устозлик килган, унга шеърият сирларини ўргатган, тарих, таржима илмидан сабок берган. Отаси Сайид Мухаммадхон вафотидан сўнг (1864) Хива тахтига ўтирган.
1873-йил Хива хонлигига К.П.фон Кауфман бошчилигидаги Россия кўшини хужум килиб, хонликнинг асосий шахарлари ва пойтахтни босиб олган. Гандимиён шартномаси (1873-йил 12-август)га кўра, Хива хонлиги подшо Россиясига карам бўлиб колган. Феруз ана шундай мураккаб шароитда ярим асрга якин муддат давомида Хива хонлигини бошкарган. Феруз саройга адабиёт ва санъат арбобларини тўплаган. Огахий, Комил, Табибий ва бошкалар таъсирида ўзи хам Феруз (бахтли, голиб) тахаллуси билан шеърлар ёзган. У кораколпокларни бошкариш учун “Кораколпок улус”ини шакллантирган. Феруз китобат ишларига катта ахамият берган: девон тузиш, тарих ёзиш, таржима ишларини ривожлантирган. Хоразмда таржима мактаби яратган. Форс ва араб адабиётининг энг нодир тарихий, адабий, илмий асарларини ўзбек тилига таржима килдирган.
Унинг хукмронлиги даврида Огахий ва Баёнийлар томонидан Хоразм тарихига оид асарлар ёзилган. Комил Хоразмий мумтоз макомлар учун нота ёзувини ихтиро килган. Хивада босмахона (тошбосма) ташкил эттирган. Унда Хоразм шоирлари хакидаги “Мажмуат уш-шуаро” тазкираси, Алишер Навоий асарлари, Хоразм шоирлари девонлари нашр килинган. Феруз Хиндистон, Арабистон, Эрон, Туркия савдогарлари оркали Хоразмга чет эллардан ноёб китоблар келтиртирган ва уларни кўп нусхаларда кўчиртирган, тарих ва адабиётга оид китоблардан иборат бой кутубхона яратган. Феруз меъморлик, наккошлик, хаттотлик каби санъат турларини хам ривожлантирган. Бу даврда фотография ва кино санъати вужудга келган, ободончилик ишлари амалга оширилган.
Феруз 1871-йил Кўхна Арк каршисида ўз номи билан аталувчи 2 каватли мадраса курдирган (Мухаммад Рахимхон мадрасаси). Ферузнинг бевосита рахбарлиги ва ташаббуси билан 30 дан ортик мадраса, масжид, минора, хонаколар кад ростлаган. Феруз ерларни сув билан таъминлаш, бог-роглар барпо этиш ишига хам алохида ахамият берган. Унинг буйругига мувофик, Кўнгирот тумани сархадида катта арик бунёд этилган. Хозирда ушбу арик “Хон ариги” деб аталади.
1874-йили Феруз Россиядан 2 та литография (китоб босувчи) машинани сотиб олиб, Туркистонда илк маротаба китоб чоп этишни йўлга кўйган. Унинг топширигига кўра бир катор тарихий ва шаркона дидактик асарларни ўзбек тилига ўгириш бўйича катта ишларни амалгам оширган. Масалан, “Табарий тарихи” (12 жилдда), “Шайбонийнома”, “Зафарнома”, “Ерон тарихи”, “Тўтинома” (тўти тилидан эртак тарзида хикоя килинган насихатлар китоби) “Маорифнома” кабилар. Мухаммад Рахимхоннинг ёзги кароргохи

Тозабогда нодир китоблар сакланиб Россиянинг шаркшунос олимларининг этиборини тортган ва улар бу ерга ана шу нодир китобларни ўрганиш, таржима килиш ва кўчириш учун атайин келишган. Мухаммад Рахим Боходирхон бутун Ўрта Шаркда тенги топилмас бой кутубхонага асос солган. Унинг топширигига кўра ёзилган мамлакат тарихи Бухоро ва Кўконда битирган худди шундай тарихлардан мусоффолиги ва ишонарлиги билан ўта даражада юкори савияда эди.

Феруз мумтоз шеъриятнинг анъанавий жанрларида лирик шеърлар яратган. Шеърлари, асосан, ишк-мухаббат мавзуида. Инсон ва хаёт, севги ва садокат Феруз ижодининг гоявий асосини ташкил килади. Улар охангдорлиги, тасвирий-ифодавий бўёкларга бойлиги ва шаклан ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Унинг кўпчилик газаллари ўз замонасида созандалар томонидан куйга солиб куйланиб келинган. Шеърларига “Девони Феруз” номи билан тартиб берган (1879). Бу девон Мухаммад Шариф томонидан кайта кўчирилган (1900). Ферузнинг ўзи Пахлавон Махмуднинг 350 рубоийсини кўлда кўчириб, китоб холига келтирган. Феруз Шашмаком куйларини ўрганган, саройда маком ансамблини тузган. “Наво”, “Дугох”, “Сегох” макомларига боглаб куйлар яратган. Феруз Саид Махруйжон мажмуасидаги Сайид Мохи Руйи Жахон макбарасида дафн килинган.